Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Жондор тумани ҳокими
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Jondor tumani hokimi
QARORI

2017 йил "31" декабрь. Жондор тумани 1486.-сон

Жондор тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли, Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 174/37-V-сонли "Бухоро вилоятининг 2017 йил бюджети кутилаётган ижроси ҳамда 2018 йилга маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида"ги, Бухоро вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 декабрдаги "Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 738-сонли қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 99-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда) асосан туман маҳаллий бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли, Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 174/37-V-сонли "Бухоро вилоятининг 2017 йил бюджети кутилаётган ижроси ҳамда 2018 йилга маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида"ги, Бухоро вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 декабрдаги "Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 738-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жондор туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари:

туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ҳамда харажатлари миқдори 1-иловага;

туман маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ҳамда айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага;

туман бюджетига умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмаларнинг меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор "Жондор овози" газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Камолов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.Толибов**

ASLIGA BARAVAR

Туман ҳокимининг 2017 йил
31 декабрдаги _____-сонли қарорига
1-илова

Жондор туманининг 2018 йилда махаллий бюджет даромадлари

№	Кўрсаткичлар	Ҳажми (млн.сўм)
1.	**Тўғри солиқлар:**	**10 727,6**
1.1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0,0
1.2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2 152,3
1.3	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	5 024,8
1.4	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 731,5
1.5	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	1 819,0
2.	**Эгри солиқлар:**	**0,0**
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
2.2	Акциз солиғи	0,0
2.3	Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	0,0
3.	**Ресурс тўловлари ва мулк солиғи**	**8 141,2**
3.1	Мулк солиғи	4 888,4
3.2	Ер солиғи	3 252,8
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
4.	**Қўшимча фойда солиғи**	**0,0**
5.	**Бошқа даромадлар**	**481,6**
	Жами солиқлар	**19 350,4**
	Республика бюджетидан соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлари учун ажратиладиган бюджет трансфертлари	66 853,2
	ҲАММАСИ	**86 203,6**

Жондор ҳокимлиги молия бўлими мудири **У.Файзуллаев**

Жондор туманининг 2018 йилда махаллий бюджет харажатлари

№	Кўрсаткичлар	Ҳажми (млн.сўм)
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**74 025,1**
1.1	Маориф	47 865,2
1.2	Соғлиқни сақлаш	24 499,6
1.3	Маданият ва оммавий ахборот воситалари	385,7
1.4	Фан	0,0
1.5	Ижтимоий таъминот	0,0
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	0,0
1.6	Жисмоний тарбия ва спорт	1 238,2
1.7	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	0,0
1.8	Ижтимоий кўникма марказлари	36,5
1.9	Иситиш қозонхоналари ва иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	0,0
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**6 011,4**
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	650,2
2.2	Ободонлаштириш	5 361,1
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**0,0**
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**1 850,8**
5.	**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**3 462,7**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**853,6**
7.	**Бошқа харажатлар**	
	Жами	**86 203,6**

Жондор хокимлиги молия булими мудири **У.Файзуллаев**

Туман ҳокимининг 2017 йил
31 декабрдаги _____-сонли қарорига
2-илова

Жондор тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йил даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, юқори бюджетдан ажратиладиган бюджет трансфертлари ҳамда айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари

№	Маҳаллий бюджетлар номи	Даромадлар (солиқлар ва мажбурий тўловлар)	Юқори бюджетдан		Вилоят бюджетига ўтказиладиган трансферт (ортиқча маблағлар) *	Харажатлар	Айланма хазина маблағлари
			Таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови учун бюджет трансфертлари	Соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови учун бюджет трансфертлари			
##	Жондор тумани	19 350,4	45 913,9	20 939,3		86 203,6	1 225,0

Жондор ҳокимлиги молия булими мудири **У.Файзуллаев**

Туман ҳокимининг 2017 йил
31 декабрдаги _____-сонли қарорига
3-илова

Давлат бюджетига солиқ тушумларидан 2018 йилда Жондор туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари

(фоизда)

№	Маҳаллий бюджетлар номи	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Бозорлардан тушадиган даромадидан	Маҳаллий йиғимлар (асосан алкоголь маҳсулотлари савдоси йиғими)	Ягона ер солиғи *	Микрофир-малар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови *	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўлови *	Юридик шахслар ер солиғи *	Юридик шахслар мол-мулк солиғи *	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи *	Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун истеъмол солиғи *
1	Жондор тумани	100	100	100	100	100	0	40	35	58	35	23	0

Изоҳ:

* Ушбу солиқ тушумларидан қолган қисми;

Жондор ҳокимлиги молия бўлими мудири **У.Файзуллаев**